Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 837 344

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

09.01.1996	07-000117
Sana	Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YASHNOBOD TUMANI, TABASSUM KO`CHASI, 2A-UY

Tomonidan berilgan:

YASHNOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1124197

“Maxsuselektrtarmoqqurilish” АЖнинг
умумий йиғилишининг
2023 йил 27 июлдаги қарорига асосан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Йиғилиш раиси
А.Т. Хаджаев

«Maxsuselektrtarmoqqurilish»
Акциядорлик жамиятининг
УСТАВИ

Тошкент шахри
2023 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, хамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва “Maxsuselektrtarmoqqurilish” акциядорлик жамиятининг фаолиятини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида лотин алифбосида:

- MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH” aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида:

- Акционерное общество “MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH”.

Инглиз тилида:

- Joint-Stock Compani “MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH”.

1.3. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: “METQ” AJ;

Рус тилида: АО “METQ”.

Инглиз тилида: JSC “METQ”.

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили):

Юридик манзили: 100147, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Таббасум кўчаси, 2а.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@metq.uz, maxsus.etq@gmail.com.

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.maxsus.etq

1.7. Жамият Тошкент шаҳри бўйича Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасининг 1995 йил 11 апрелдаги №111 К-ПО сонли буйруғига мувофиқ «MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH» давлат корхонасини айлантириш орқали тузилган.

Жамиятнинг фаолият муддати – Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.8. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади. Жамият ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.9. Жамият ўзининг тўлиқ ва қисқа фирма номига, унинг ташкилий-хуқуқий шаклига эга. Жамият давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. (муҳрда бир вақтнинг ўзида фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин).

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.10. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.11. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк хуқуқи билан тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан олинган маблағлар, асосий воситалар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромадлар, шунингдек унга кайтариладиган ёки қайтарилмайдиган асосда берилган мол-мулкдан иборат.

1.13. Жамият ўзининг фаолиятини амалга ошириш ва қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидагиларга хақли:

- мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларнинг фуқаролик муомаласини тартибга солувчи барча турдаги хуқуқий муносабатларга киришиш;

- иқтисодий, фуқаролик ва хакамлик судларида давогар ва жавобгар бўлишга;
- бошқа юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этишга;
- жамият хўжалик юритувчи шу'ба ва тобе корхоналар ташкил этишга, филиаллар ва ваколатхоналар очишга;
- нотижорат нодавлат ташкилотлари ва бирлашмаларга аъзо бўлишга хақли.

II. ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Жамиятнинг ташкл этишдан мақсад фойда олиш учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

2.2. Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

2.2.1. қурилиш-монтаж ишлари;
2.2.2. бурғулаш-портлаш ишлари;
2.2.3. ишга тушириш-созлаш ишлари;
2.2.5. таъмирлаш ва профилактика ишлари;
2.2.6. ишлаб чиқариш фаолияти;
2.2.7. маркетинг фаолияти;
2.2.8. воситачилик фаолияти;
2.2.9. ишга тушириш-созлаш фаолияти;
2.2.10. инвестициявий фаолият;
2.2.11. илмий фаолият;
2.2.12. лойиҳа фаолияти;
2.2.13. жорий этиш фаолияти;
2.2.14. сервис фаолияти;
2.2.15. товар-сотиб олиш фаолияти;
2.2.16. улгуржи савдо фаолияти;
2.2.17. чакана савдо фаолияти;
2.2.18. транспорт хизматларини кўрсатиш.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган хар қандай бошқа фаолиятни белгиланган тартибда амалга ошириш.

2.4. Жамият қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид келмаган исталган фаолият қонуний деб тан олинади

III. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

3.1. Жамият акциядорлари, истисносиз, конун хажжатларида белгиланган хуқуқларга эга. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

3.2. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

3.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

3.4. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

3.5. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонунчиликда назарда

тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

IV. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади, ва 7 348 680 000 (етти миллиард уч юз қирқ саккиз миллион олти юз саксон минг) сўмга тенг бўлиб, 2 041 300 (икки миллион қирқ бир минг уч юз) дона оддий акциялар, хар бир донаси 3 600 (уч минг олти юз сўм) бўлган акцияларга бўлинган.

4.2 Жамият Устав капитали қўшимча чиқарилган акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.4. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча чиқарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони 8 675 525 (саккиз миллион олти юз етмиш беш минг беш юз йигирма беш) донани ташкил этади, хар бир донаси номинал қиймати 3 600 (уч минг олти юз) сўм.

4.5. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг умумий қиймати, миқдори, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби ва усули, жойлаштириш муддати, жойлаштириш нархи, уларга тўловни амалга ошириш тартиби белгиланган бўлиши шарт.

4.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

4.7. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилади.

4.8. Жамият устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори қонунчиликда белгиланган лицензиялаш талабларига жамият устав капиталининг жамият уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

4.9. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

5.1. Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият уставида белгиланади.

5.2. Акцияларни жойлаштириш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

а) Очик обуна йўли билан фақат қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилган савдоларда, уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади;

б) Жамиятнинг устав капиталини ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда акциядорлар ўртасида акциялар таксимланиши хеч қандай шартнома имзоланмасдан Кузатув кенгашининг жамият ўз капиталини устав капиталига йўналтирилиши тўғрисидаги қарорига мувофиқ амалга оширилади. Акциядорлар ўртасида акциялар тақсимланиши қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда кўрсатилган санага шакллантирилган реестрга мувофиқ амалга оширилади.

в) уларни айирбошлаш йўли билан:

устав ва қонун хужжатларига мувофиқ илгари чиқарилган конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар;

номинал қиймати пастроқ бўлган илгари чиқарилган қимматли қоғозлар (акцияларни майдалашда);

номинал қиймати балатроқ бўлган илгари чиқарилган қимматли қоғозлар (акцияларни йириклаштиришда);

қўшилиш, ажралиб чиқиш, бўлиниш йўли билан қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг акциялари (ёки) улушлари, шунингдек юридик шахслани акциядорлик жамиятига айлантириш йўли билан қайта ташкил этишда қўшилган бадаллар.

Айирбошлаш йўли билан акциялар жойлаштирилганда хеч қандай шартномалар имзоланмайди.

5.3. Жамият акцияларини жойлаштириш усуллари (очиқ ёки ёпиқ обуна) Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

5.4. Жамият қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари учун хақ тўлаш уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда белгиланган паст бўлмаган нархда амалга оширилади.

5.5. Қимматли қоғозларнинг уюшган бозорларида, шунингдек акциядарлар ўртасида акцияларни жойлаштиришда, акцияларни жойлаштириш бахоси қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари майдонларида вужудга келаётган нахлар конюктурасидан келиб чиққан холда, жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали ўз капитали хисобига кўпайтирилганда қўшимча акциялар, шунингдек дивидендларни қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда, бундай акциялар номинал қийматида жойлаштирилади.

5.6. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар очиқ обуна йўли билан жойлаштирилганда улар учун тўловлар пул маблағлари билан амалга оширилади.

5.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни мутаносиб миқдорда имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, олишни таклиф этиши шарт.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.8. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда жамият томонидан реализация қилинади.

5.9. Жамият қуйидагиларга хақли:

- устав капиталини камайтириш тўғрисидаги акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ жамият томонидан жойлаштирилган акцияларни қисман сотиб олишга;
- жамият томонидан жойлаштирилган акцияларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда агар акциядорлар қарши овоз берган бўлса, ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлардан акцияларни (акцияларнинг бир қисмини) сотиб олишга;

жойлаштирилган акцияларни бирлаштиришда;

жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бериш (сотиш) билан боғлиқ йирик битим тузилганда;

жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлашда.

5.10. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади, ёки мулк (хизматлар) билан акциядорнинг розилигига кўра.

5.11. Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт.

5.12. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари тегишли қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

VI. СОФ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАР

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.3. Дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.4. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият дивидендларни Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали улар билан тузиладиган шартнома асисда тулашга хақли.

6.5. Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга қуйидагиларга кўра ҳақли эмас:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

Кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

VII. ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ЗАХИРАЛАР

7.1. Жамият Устав капиталининг 15 фоизи миқдорида захира фондини шакллантиради.

Жамиятнинг захира фонди соф фойданинг беш фоизи чиқдорида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, бошқа тўлов манбалари бўлмаган холда жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

VIII. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ

8.1. Жамият бошқарув органлари қуйидагилар хисобланади:

Акциядорлар умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Ижроия органи (Директор).

Кузатув кенгаши, жамият Ижроия органи жамият фаолиятини Устав билан, акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари билан ва амалдаги Қонун хужжатлари билан уларга берилган ваколат доирасида бошқаради.

Бошқарув органлари ва мехнат жамоаси вакиллари ўртасида муносабатлар тизимини таъминлашда, манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, Корпоратив бошқарув кодекси ва жаямитнинг бошқа махаллий хужжатлари асосида амалга оширилади.

8.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

8.2.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлганда акциядорларпнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка

тартибда қабул қилинади, хамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда ушбу Уставнинг акциядорлар умумий йиғилишига таёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини, хамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига таълуқли қоидалар бундан мустасно.

8.2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1. жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2. жамиятни қайта ташкил этиш;

3. жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4. жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6. жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

7. ўз акцияларини олиш;

8. жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

10. Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Жамият Ижроия органи тўғрисида, Кузатув кенгаши ва Кузатув кенгашига хақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомларни, шунингдек жамият юқори бошқарув органи ваколатига тасдиқлаш учун киритилган бошқа Низомларни, хамда уларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

11. жамиятнинг йиллик ҳисоботини, жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишларидан келиб чиққан холда, стратегиясини тасдиқлаш;

12. жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

13. жамият кузатув кенгашининг, ташқи ва ички аудиторнинг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

14. жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

15. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16. унинг ваколат доирасига киридиган жамият аффилланган шахслари билан битимларни тузиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;

17. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

18. жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битимни тузиш, агар баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

19. жамият Кузатув кенгаши ва жамият Бошқарувининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш;

20. йиллик бизнес-режани тасдиқлаш;

21. Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

22. қонунчиликда ва мазкур уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

8.2.3. Жамият йиллик натижаларни хар йили, молия йили тугагандан сўнг олти ой кечиктирмасдан, кўриб чиқиши шарт. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши

ҳар йили 29 июн куни ўтказилади. Шу билан бирга, Кузатув кенгаши мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасини кўриб чиқиш ва йиғилишнинг бошқа санасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, жамият ижрои органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, хамда кун тартибидаги масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

8.2.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар эга бўлади.

Қуйидаги саволлар бўйича:

- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш, оралиқ ва охирги тугатиш балансини тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- кузатув кенгаши хисоботларини, ташқи ва ички аудиторларнинг хулусаларини, уларнинг ваколат доирасига кирадиган масалалар буйича, шу жумладан жамиятни бошқаришда қонунчилик билан белгиланган талабларга риоя этилиши бўйича масалалар;
- йирик битимларни тузиш;
- аффилланган шахслар билан битимлар тузишни маъқуллаш бўйича масалалар юзасидан - йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овоз билан, овоз берувчи акцияларнинг тўрдан уч қисми билан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибида овозга қўйилган қолган масалалар бўйича умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

8.2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

8.2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорларнинг шахсан иштироқида ва масофали, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ёрдамида ўтказилиши мумкин.

8.2.7. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

8.2.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

8.2.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;
- ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ёрдамида йиғилишда иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

8.2.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга), қонунчиликда кўзда тутилган, хамда кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорларни хал этиш учун бошқа материаллар киради.

Акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) умумий йиғилишда масофадан иштироқ этаётган шахсларга хам етказилиши шарт.

8.2.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тоқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишига ҳамда жамият кузатув кенгашига номзодлар киритишига ҳақли.

8.2.12. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Чақирилган навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибига жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масалалар киритилганда, акциядорларга номзодлар кўрсатиш имконияти берилиши керак, уни амалга ошириш муддати 10 кундан кам бўлмаслиги керак.

8.2.13. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

8.2.14. Акциядорлар умумий йиғилиши масофали, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ёрдамида, ўтказиладиган холларда овоз бериш бюллетенлари қўлланилмайди. Шунда овозга қўйилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар, акциядорни йиғилишда қатнашиши учун фойдаланган электрон-рақамли имзо билан тасдиқланади. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш учун қоғоз кўринишидаги ёки электрон шаклдаги бюллетенлар санок комиссияси томонидан мухрланиб, жамият архивига топширилади.

8.2.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

8.2.16. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала

нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

8.2.17. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
- умумий йиғилишда масофали, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ёрдамида, иштироқ этаётган шахслар кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

8.3. Кузатув кенгаши:

8.3.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчиликда ва ушбу устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

8.3.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

8.3.2.1. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

8.3.2.2. Жамиятни бошқаришнинг халқаро тажрибага мувлфиқ замонавий усулларини жорий этиш, моддий-техникавий, молиявий ва мехнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда кўмаклашувчи жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаш.

8.3.2.3. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқлаши керак бўлган, жамиятнинг ўтган молиявий йилнинг якунлари бўйича, саволларни киритиш;

8.3.2.4. Акциядорлар умумий йиғилишига қуйидаги масалалар юзасидан таклиф ва саволларни киритиш:

а) жамиятни қайта ташкил этиш;

б) жамият Уставига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ёки Уставни янги тахрирда тасдиқлаш;

в) фойдани ва зарани тақсимлаш;

г) жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини тайинлаш тўғрисида;

д) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш

8.3.2.5. Жамият Устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг белгланган миқдорида кўпайтириш, ва бунга боғлиқ бўлган ўзгартишларни Уставга киритиш;

8.3.2.6. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8.3.2.7. Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

8.3.2.8. Жамият директорига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини тайинлаш;

8.3.2.9. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

8.3.2.10. тащабусслик аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

8.3.2.11. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

8.3.2.12. йиллик бизнес-режани тасдиқлаш;

8.3.2.13. жамият захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

8.3.2.14. жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

8.3.2.15. жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, уларни тугатиш, қайта ташкил этиш, бошқа корхоналар Устав фондида иштирок этиш ва улардан чиқиш;

8.3.2.16. жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битимни тузиш, агар баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизгача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

8.3.2.17. жамият акцияларини кейинчалик сотиш учун қайтариб сотиб олиш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозрани қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.3.2.18. жамият аффилланган шахслари билан тузиладиган битимларни кўриб чиқиш, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши лозим бўлган битимлар бундан мустасно;

8.3.2.19. суммасидан қатъий назар Жамитяга тегишли кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиш, кафиллик ва гаров шартномалар тузишни маъқуллаш;

8.3.2.20. шакли ва суммасидан қатъий назар жамият томонидан хомийлик кўрсатишни маъқуллаш;

8.3.2.21. жамият маблағларини инвестициялаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

8.3.2.22. жамият фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан хизмат мақсадларида эркин фойдаланиш;

8.3.2.23. қўмиталар тузиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш;

8.3.2.24. Кузатув кенгаши ваколатига қонунчиликда, мазкур Уставда, акциядорлар умумий йиғилиши қарорларида ва ички меъёрий хужжатларда белгиланган бошқа масаларни ечиш.

8.3.3. Кузатув кенгашининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Ўз ваколатларини жамият акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

Жамиятни малакали бошқарув билан таъминлаш;

Маъсул шахслар билан биргаликда жамиятнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг оператив фаолияти устидан жорий назоратни амалга ошириш;

Жамият фаолияти стратегиясини шакллантириш;

Жамият даромад рентабеллигини назорат қилиш;

Жамият ички аудиторлик хизмати фаолиятини ташкил этиш;

Камида хар чоракнинг якуни бўйича жамият фаолияти натижалари бўйича хисоботларни кўриб чиқиш;

Қонун хужжатларида белгиланган корпоратив бошқарув талабларига риоя этилиши тўғрисида хисобот тақдим этиш.

8.3.4. Асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

8.3.5. Кузатув кенгаши беш кишидан иборат бўлиб, шулардан бир аъзоси Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши шарт. Кузатув кенгаши аъзолари уч йил муддатга сайланади ва сайланган шахслар қайта сайланиши қонунчилик талабларига риоя амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

Жамият Ижрои органи, жамият шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

8.3.6. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

8.3.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, жамият бошқаруви ички аудиторлик хизмати рахбари, ташқи аудиторнинг талабига кўра чақирилади.

Кузатув кенгаши мажлислари уч ойда камида бир марта чақирилади.

8.3.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

8.3.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қуйидагилар бундан мустасно:

- сиртки овоз бериш орқали ўтказилганда;
- устав капиталини оширишда, ва жамият уставига бунга доир қўшимча ва узгартишлар киритилганда;
- жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битимни тузиш, агар баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизгача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишида;
- Жамият афилланган шахсари билан тузиладиган битимларни маққуллаш тўғрисида қарорлар қабул қилишда.

8.3.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг Директорига ижро этиш учун топширилади.

8.3.11. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси:

8.3.11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади;

8.3.11.2. Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Уставда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади;

8.3.11.3. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;
- жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;
- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган

суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;
- кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;
- жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;
- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;
- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;
- жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

8.3.11.4. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу моддада белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

8.4. Жамият ижроя органи (Директор):

8.4.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият директори томонидан амалга оширилади.

Жамият директори қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги низом асосида иш юритади.

Жамият директори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тайинланган хулосасига кўра, шу жумладан хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов натижалари асосида қабул қилинган тавсиясига кўра, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан уч йил муддатга сайланади.

Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, ушбу уставида ҳамда уларнинг жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилади.

Жамият директори лавозимига номзодлар ўртасида танловни ўтказиш тартиби ""MAXSUSELEKTRTARMOQQURILISH" АЖ Ижроия органга номзодларни танлаш" Регламентида белгиланади.

8.4.2. Жамият Директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

8.4.3. Жамият Директори ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;

капитал маблағлар, илмий тадқиқотлар ва умумий аҳамиятга эга бўлган бошқа ишларни молиялаштириш учун марказлаштирилган фондлар ва захираларни шакллантириш;

ўрнатилган тартибда Жамият таркибига кирувчи корхоналар, таркибий бўлинмалар, ташкилотлар ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш, қайта тузиш ва тугатиш бўйича таклифлар тайёрлаш, уларнинг ваколатларини белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Жамият таркибига кирувчи корхоналарни хусусийлаштириш масалаларини кўриб чиқиш, мазкур масала юзасидан Жамият Кузатув кенгашига таклифлар тайёрлаш;

Жамият Директори Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Жамият Директори штатларни тасдиқлайди;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамият номидан битимлар тузади;

Жамиятнинг филиали, ваколатхонаси ёки жамият таркибига кирувчи корхона раҳбарини тайинлайди;

Директор Жамият зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда ушбу Уставга риоя қилиниши юзасидан жавобгар ҳисобланади;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгаши ва Директор қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни таъминлайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият маблағларига белгиланган тартибда ишончномасиз тассаруф қилади, банкларда ҳисоб рақамлар очади, жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолайди.

Жамият номидан келишувлар, шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади;

Жамият номинад ишончномалар беради;

Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрнатилган тартибда киритади;

Жамият таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда ва Жамият ходимларининг интизоми ҳақидаги низомда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайди;

ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

Қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилади.

Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятига тегишли бўлган, Директор зиммасида бўлган айрим йўналишларни, Директор буйруғига мувофиқ, Директор муовинлари зиммасига юклатилиши мумкин.

8.4.4. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ миқдори, шунингдек ҳақ тўлаш шартлари Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

Жамиятнинг Директорининг жавобгарлиги, у билан шарнома тузилган кундан бошлаб суғурталанади.

8.4.5. Жамият Директори умумий йиғилишига ва жамият Кузатув кенгашига хисоботдордир.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ, ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият директори шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

9.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди бундан Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

9.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.4. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув директорини ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

9.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;
- Қонунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;
- жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

9.6. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

X. ЙИРИК БИТИМ

10.1. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

10.2. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

10.3. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

XI. АФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР.

11.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

Қуйидагилар аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият Директори;

4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

7) ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) ижрои органи, ёхуд ижрои органи бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ижрои органи ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Қуйидагилар жамиятнинг аффилланган шахси бўлган акциядор - жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

2) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

3) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

11.2. Аффилланган шахс жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисми хисобланади.

11.3. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижрои органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганилади.

Аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни жамият ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши керак.

11.4. Жамият бошқаруви раиси жамият кузатув кенгашини аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аффилланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг аффилланган шахси жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим айни бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-бобида белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

11.5. Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўладиган битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

11.6. Ушбу бобнинг қоидалари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

тузилишидан жамиятнинг барча акциядорлари манфаатдор бўлган битимларга;

жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун тузиладиган битимларга, агар қонун ҳужжатларига кўра реализация қилишнинг махсус тартиби белгиланадиган монопол маҳсулот, моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари битим предмети бўлса;

биржа ва кимошди савдолари орқали тузиладиган битимларга, агар жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот битим предмети бўлса;

жамият томонидан жойлаштирилаётган қимматли қоғозларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда;

жамият жойлаштирилган акцияларни олганда;

жамиятни қайта ташкил этишга доир тартиб-таомилларни амалга оширишда;

акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштиришда;

қимматли қоғозларни қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилган бозорларда сотишда;

жамият ва аффилланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида жамият кузатув кенгашининг ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Уставда белгиланган тартибда олдиндан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда.

XII. ХИСОБ ВА ХИСОБОТ, ЖАМИЯТНИНГ ХУЖЖАТЛАРИ

12.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамиятнинг йиллик хисоботи жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин тасдиқланиши керак.

12.2. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

12.3. Жамият қуйидаги хужжатларни сақлашга мажбурдир:

жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши ва жамият бошқаруви мажлислари баённларини, хамда жамият бошқаруви раиси буйруқларини;

жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

жамият акциядорларининг реестрларини;

аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини.

Жамият қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

12.4. Жамият акциядорларга хужжатлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, жамият бошқаруви раисининг буйруқлари ва жамият акциядорларининг реестри мустасно.

XIII. АУДИТ.

13.1. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади, у Кузатув кенгашига хисобдардир.

Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини,

активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.2. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

13.3. Аудитнинг мақсади қуйидагилар бўйича объектив фикрни олишдир:

- жамият молиявий хисоботларининг ишончлилиги ва уларнинг миллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқлиги;
- ички назорат тизимини яратиш, ички назорат тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

Жамият фаолиятини текшириш натижаларига кўра аудиторлик ташкилоти молиявий хисоботнинг ишончлилигини ва бухгатерия хисоби тартибининг қонун хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди (ёки тасдиқламайди), шунингдек жамиятнинг йиллик хисоботига киритиладиган аудиторлик хисоботини тақдим этади.

XIV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ.

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

14.2. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.3. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради, хамда аризаларни ва кредиторларнинг талабларини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида, дебиторлик қарздоликларни ундиришга, кредиторларни аниқлашга қаратилган масалаларни ечади, ва кредиторларга жамият тугатилиши тўғрсида ёзма равишда хабарлар беради.

14.4. Кредиторлар томонидан талаб қўйиш муддати тугагандан сўнг тугатувчи оралиқ баланси тузади, унда жамият мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этлган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари хақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Кредиторлар билан хисоб-китоблар якунига етказилганда тугатувчи якуний тугатиш балансини тузади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

14.5. Агар жамиятнинг жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага кредторлар олдида қарздорлик мавжуд бўлмаса, жамяитнинг мол-мулки акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи ўринда қайтариб сотиб олиниши шарт бўлган акциялар учун тўловларни амалга ошириш;

иккинчи ўринда хсобланган лекин тўланмаган дивидендлар бўйича тўловларни амалга ошириш;

учинчи ўринда колган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимлаш.

Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.